

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ ЯНГИ БУХОРО ФИЛИАЛИ

“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси

Химояга қўйилсин:
“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси
_____мудири .в.б. С.Асатов
“ _____ ” _____ 2014й

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ

“Бухоро вилояти Когон тумани “Янги ҳаёт” массиви
худудида фермер хўжаликлари ер майдонларини
оптималлаштириш мавзусида”

БМИни бажарувчи:

Д.Авлиёкулова

Раҳбар

Б.ф.д. профессор С.Бўриев

Бухоро– 2014

МУНДАРИЖА

Т/р	Битирув малакавий иши бўлимлари номи	варақлар
1	Битирув малакавий ишини бажариш учун топшириқ	
2	Битирув малакавий иши дастури	
3	Кириш	
4	1-БОБ. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	
5	2-БОБ. Массив ҳудудида фермер хўжаликлари ва ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш	
6	3-БОБ Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	
7	Хулоса	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	
9	Иловалар	

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти
Бухоро филиали

Гидромелиорация факултети
Ер тузиш ва ер кадастри кафедраси

Тасдиқлайман: _____
Кафедра мудири _____
“ ____ ” _____ 2014 йил

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба *Авлиёқулова Дилшода*

Битирув ишининг мавзуси : *“Бухоро вилояти Когон туманидаги»Янги ҳаёт» номли массивида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш лойиҳаси”*

Филиал бўйича 2013 йил « 19 » 12 даги 325 А/Ф- сон буйруқ билан тасдиқланган. 30 октябр 2013 й 2 сонли кафедра мажлисида маъқулланган.

1. Битирув ишини топшириш муддати «01» 06 2014 йил .

2. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар .

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар.

3. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1.Кириш. 2. I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи. 3 II боб. Массивда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш. 4. III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш. 5. Хулоса. 6.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

4. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1. *Массивнинг ер ва экин турлари жойлашиш тарҳи* 2.*Фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш лойиҳаси”.* (2 ечимда)3.*Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвали.*

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар.

Т.р	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо. Сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5
1	Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари	Жўраева С.		

7. Битирув ишини бажариш режаси.

Т.р	Битирув иши босқичларининг номи	Бажариш муддати		Текширув дан ўтганлик муддати
		сана	%	
1	Топшириқ олиш ва БМИ дастурини тузиш	20.12.2013й	7,4	
2	I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи	14.01.2014й	16,7	
3	Массивнинг ер ва экин турлари жойлашиш тарҳини чизиш	20.01.2014й	29,7	
4	II боб. Массивда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш	3.02.2014й	49,7	
5	Лойиҳавий чизмани чизиш.	24.02.2014й	73,8	
6	III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш	3.03.2014й	83,1	
7	Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари жадвалини тузиш.	22.04.2014й	88,7	
8	Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш.	20.05.2014й	94,3	
9	БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш.	01.06.2014й	100	

Битирув иши раҳбари.

С.Бўриев

Топшириқни бажаришга олдим

Д.Авлиёкулова

Топшириқ берилган вақти

« _____ » _____ 2014 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИИРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ЯНГИ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**Гидромелиорация факультети
“Ер тузиш ва ер кадастри” кафедраси**

Тасдиқлайман:_____

кафедра мудири .в.б.

« ____ » _____ 2014 йил

**“Бухоро вилояти Когонуманидаги»Янги ҳаёт» номли массивида
фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш
лойиҳаси” мавзусида бажариладиган
битирув малакавий ишининг
ДАСТУРИ**

БМИни бажарувчи:

Д.Авлиёкулова

БМИ раҳбари

С.Бўриев

Янги ҳаёт -2014

Кириш

1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида республикамызда ноқиллоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Ноқиллоқ хўжалик ердан фойдаланишларини ташкил қилишда ер тузишнинг роли.

3. БМЙнинг мақсади, унга қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

I боб. Массив жойлашган ҳудуднинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитлари тавсифи.

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар.

1.2. Табиий шароитлари (иқлими, рельефи, тупроқлари) тавсифи.

1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

1.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

1.6. Қиллоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари.

II боб. Массивда фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштириш.

2.1. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари сони ва майдонини аниқлаш.

2.2. Фермер хўжаликларини ҳудудда жойлаштириш.

2.3. Фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш.

2.4. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари.

III боб. Лойиҳани иқтисодий ва экологик асослаш.

3.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ва қийматини аниқлаш.

3.2. Фермер хўжаликлари ер майдонини оптималлаштириш билан боғлиқ капитал ва йиллик харажатлар миқдорини аниқлаш.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш.

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш.

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар

Кириш

Биз бугун 2013-йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013-йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015-йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори кўшимча

кийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013-йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобил телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000-йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда.

Ўтган йили ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим рол ўйнади.

Сўнгги 3-йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000-йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта рол ўйнамоқда.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013-йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий салдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди. 2013-йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. 2013-йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиздан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри келгани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаётганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлашга оид чоратadbирларнинг амалга оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

2013-йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000-йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ

хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000-йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013-йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор. Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини раёнлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин туғдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000-йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1-марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2-марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013-йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзавот етиштирилди.

Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи рол ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йирик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжаликларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш. Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу

қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008-йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Ер тузиш давлатимизнинг ер тўғрисидаги қонунларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, у ер ва ер билан боғлиқ ишлаб чиқариш воситаларидан меҳнат ресурсларидан тўла, оқилона ва самарали фойдаланишга, ерни ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Ер тузиш ишларининг таркиби асосан халқ хўжалиги тармоқларида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда ер тузиш ишлари қуйидаги асосий вазифаларни ўз ичига олади:

- топография, геодезия, хариташунослик, геоботаника, тупроқ ва бошқа

ер тузиш учун зарур изланишларни ўтказиш;

- республикамизда ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш Бош чизмасини, Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва туманлар ер тузиш чизмаларини ишлаш;

- ерни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш лойиҳаларини тузиш;

- янги хўжаликларни ташкил қилиш ва мавжуд хўжаликларнинг ер майдонлари жойлашувидаги камчиликларни тугатиш, хўжаликларга ер майдонларини ажратиш лойиҳаларини тузиш;

- хўжаликларда ички ер тузиш лойиҳаларини ишлаш;

- табиатни муҳофаза қилишда аҳамияти катта бўлган ер майдонларини аниқлаш ва у ерларда табиатни муҳофаза қилишга қаратилганишларни ташкил қилиш, шунингдек табиатнинг хушманзара жойларида дам олиш масканлари ва қўриқхоналар ташкил қилиш ва бошқ.

Ер тузиш ишлари халқ хўжалиги тармоқларида ва қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтказилиб, янги ерларни суғориш ва уларни қишлоқ хўжалиги ерларига қўшиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлигини ошириш ва деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилгандир.

Ер халқ хўжалигининг барча тармоқларини жойлаштириш ва уларнинг фаолият кўрсатишлари учун зарур тармоқлараро ресурс ҳисобланади. Республикамиз ерларининг 48,31% қишлоқ хўжалик ерлари ташкил қилганлиги сабабли, бошқа тармоқ корхоналари, давлат ва жамоатчилик эҳтиёжлари учун ерлар кўп вазиятларда қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобидан ажратилади. Бу ишлар Ўзбекистон республикасининг ер тўғрисидаги қонунларига, махсус қарор ва фармойишларига асосан олиб борилади. Ерлар қишлоқ хўжалигида асосий субъект бўлган фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага фойдаланиш учун берилса қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқ корхоналарига фақат фойдаланишга берилади.

Ўзбекистоннинг ер қонунчилиги жуда қимматбаҳо (суғориладиган) ва унумдор ерларнинг қишлоқ хўжалигидан олинishiга йўл қўймайди. Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун яроқли ерлар энг аввало қишлоқ хўжалигига ажратилади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ЯНГИ ҲАЁТвилояти Когон туманидаги»Янги ҳаёт» массивида фермер хўжаликлари ер майдонлари ўлчамларини мақбуллаштиришдан иборатдир. Бу хўжаликлараро ер тузиш лойиҳаси ҳисобланади. Бунда мавжуд фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилиниб уларнинг ер майдонлари оптималлаштирилади. Бунинг учун фермер хўжаликларига бириктириб берилган ердан фойдаланиш аҳволи, уларда ишлов бериш учун техникалар миқдори ва таъминоти, фермер хўжаликларининг туман ҳокимияти билан тузилган шартнома шартларининг бажарилиши (йиллар бўйича) ҳамда фермер хўжалигининг молиявий фаолияти ўрганиб чиқилади. Унда

- фермер хўжаликларига бириктирилаётган ер майдонини шундай қўйилган мақсад ва вазифаларни бажаришга зарур ҳамма шарт-шароитлар яратилсин;

ернинг майдони, шакли ва табиий шароити улар ажратилаётган мақсадларга мос тушсин;

ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга шароит яратилсин;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун қилинган харажатлардан оқилона фойдаланиш, қимматбаҳо ер турларини максимал сақлаш, ҳудудларнинг ташкил қилинишини бузмаслик керак.

Битирув малакавий ишига қўйилган вазифаларни бажариш учун хўжалик тўғрисида қуйидаги материаллар асос бўлиб хизмат қилади.

1. Хўжалик тўғрисида умумий маълумотлар;
2. Хўжалик ер турлари ва экинлари жойлашиш тархи;
3. Контурлар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномаси;
4. Мавжуд фермер хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар.

**I БОБ. МАССИВ ЖОЙЛАШГАН ХУДУДНИНГ ТАБИЙЙ,
ИЖТИМОЙИ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРИ ТАВСИФИ**

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумотлар

Янги ҳаёт массиви Когон туманининг шимолий шарқда жойлашаган. Массив шимолдан “Зарафшон” массиви ерлари билан, шарқдан “Гулистон”, “Мустақиллик” массивлари ерлари билан, жанубий томондан Бухор тумани, “Меҳнатобод” массиви, Бухор паранда ҳиссадорлик жамияти, “Зирабод ҳиссадорлик жамияти, Когон шаҳри ерлари билан, ғарбдан Б.Нақшбанд номли массив ерлари билан чегарадош. Массив чегарасидаги умумий ер майдони 4337.3 гектарни ташкил қилади.

Массивнинг асосий йўналиши деҳқончилик бўлиб, унда асосий экин майдонини пахта ва дон ташкил этиб, экинлар таркибида пахта энг юқори ўрин тутди. Қўшимча равишда сабзавот, картошка, полиз ва ем-хашак экинлари етиштириш шунингдек қисман узумчилик ривожланмоқда. Массив ҳудуди 2006 йилда тўлиқ фермер хўжаликларига бириктириб берилган ва унда 12 та пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган, фермер хўжаликлари ташкил этилган. Массив ҳудуди вилоят маркази ва туман марказлари ҳамда маҳсулот қабул қилиш пунктлари билан асфальтланган йўл билан боғланган. массивдан туман марказигача масофа 5 километрни, вилоят марказигача 10 километрни ташкил этади. Шу билан бир қаторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш уларни аниқлаш, фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш учун биринчи навбатда массивнинг табиий, ижтимоий ва иқтисодий шароитларини ҳар жиҳатдан чуқур билиш, лойиҳада қабул қилинадиган ечимларни ҳар томонлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.2 Иқлими. Иқлим шароитлари бўйича массив агроиқлим нуқтаи назаридан Жанубий агроиқлим туманига киради ва Зарафшон ҳавзасининг энг иссиқ қуруқ тумани ҳисобланади ҳуд. Иқлимнинг алоҳида кўрсаткичлари ёғингарчилик миқдорининг камлиги, ёздаги ҳароратнинг юқори бўлиши, қиш ойларида ҳароратнинг пасайиши, ҳавонинг қуруқлиги

ва буғланишнинг юқорилигидир.

Январда ўртача ойлик ҳарорат 2-6 градусни ташкил этади. Ҳавонинг энг совуқ ҳарорати -28-32 градусгача этади. Совуқсиз кунлар йил давомида

206 кунни ташкил қилади. Вегетация даврида самарали ҳарорат йиғиндисини 2400-2500 градиунини ташкил қилади. Биринчи совуқли кунлар 15 октябрдан бошланиб 26 мартда тугайди. Ҳавонинг нисбий намлиги 65 % ни ташкил қилади ёзда бу 45 % гача пасаяди.

Ёз ойи жазирама. Июлда ўртача ойлик ҳаво ҳарорати 27,4 градусдир. Ҳавонинг энг иссиқ ҳарорати 43 градусни ташкил этади. Йил бўлаб 6 кун каттиқ шамол (секундига 15 метрдан ортиқ) эсади.

Йиллик ёғингарчилик 220 -283 мм.

Қуйидаги 1,2,3,4,5 жадвалларда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1- жадвал

Бухор метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича ҳарорат

Ҳарорат	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йил
Ўртача	2,6	0,2	7,4	14,4	20,6	25,4	27,	25,	19,2	12,	5,6	0,6	13,0
Юқори	20	25	31	36	41	43	4	2	39	2	30	23	43
Паст	-30	-28	-20	-6	0	3	43	43	0	38	-23	-32	-32
							7	6		-13			

2-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича

шамолнинг тезлиги

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XI	Йил
Бухоро	1,4	1,7	1,9	2,0	2,0	1,9	1,5	1,4	1,3	1,4	1,4	1,2	1,6

3-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича -
ёғингарчилик миқдори, мм

Метеостан- ция номи	I	II	III	IV	V	VI	VI I	VI II	IX	X	XI	XI	Йил
Бухоро	29	22	45	41	39	22	9	1	4	24	30	38	304

4-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил бўйича кучли
шамол эсадиган кунлар

Метеостанция номи	I	II	III	IV	V	VI	V II	VII I	IX	X	XI	XI I	Йил
Бухоро	2	2	3	3	6	6	6	5	3	5	2	2	29

5-жадвал

Бухоро метеостанциясининг маълумотларига кўра йил ва ойлар бўйича
шамолнинг йўналиши.

Ойлар	Ш	ШШҚ	ШҚ	ЖШҚ	Ж	ЖҒ	Ғ	ШҒ
I	32	24	6	4	6	4	6	18
II	26	22	7	5	7	6	8	19
III	28	17	6	6	9	6	8	20
IV	28	17	8	5	11	6	8	17
V	27	16	7	6	12	8	7	17
VI	25	15	5	5	13	7	7	23
VII	24	12	5	5	14	6	9	25
VIII	20	12	5	6	15	6	9	27
IX	24	16	9	6	11	4	7	23
X	23	23	8	6	8	5	7	20
XI	26	26	6	4	6	6	8	18

ХП	29	24	7	3	7	6	9	15
Йил	26	19	6	5	10	6	8	20

Рельефи. Массивнинг рельефи асосан текисликлардан иборат бўлиб, шимолий шарқдан жанубий ғарбга ва шарқдан ғарбга қараб кучсиз қияликдан иборат. Узоқ муддатли суғориш ва агротехника натижасида рельеф ўзининг антропоген кўринишини олган. Массивнинг ҳудуди Зарафшон дарёсининг I, II, III қайир усти лойсимон ётқизиклардан ташкил топган. Асосан рельефи текислик иборат.

Массив тупроқларининг механик таркиби ҳар хил бўлиб, тупроқ турлари бўйича 36,2-74,0% и ўрта механик таркиблидир .

Тупроқ шароити

Массивнинг суғориладиган ерлари сахро минтақасига ҳос бўлиб, қадимдан суғориладиган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи-сахро ва ўтлоқ-тақирли, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар кенг тарқалган. Юқорида келтирилган тупроқ турларининг майдони 6. жадвалда келтирилган.

6. жадвал Массивнинг суғориладиган ҳудудида тарқалган тупроқ турлари ва майдони

Тупроқ тури	Майдони, га	%
Ўтлоқи-аллювиал тупроқлар	2141.6	87,7
Тақир-ўтлоқи тупроқлар	195.3	8,0
Сур тусли қўнғир тупроқлар	100.1	4,1
Ўтлоқи-қумоқ тупроқлар	5	0,2

Келтирилган жадвал маълумотларини кўрсатишича вилоятнинг суғориладиган ерларини 87,7% ўтлоқи-аллювиал ва пойма-аллювиал тупроқларидан иборат. Бу тупроқлар қадимдан суғориладиган, маданийлашган, унумдор тупроқлар бўлиб, хайдалма қатлам (0-40 см) таркибидаги гумус миқдори 0,86-1,6 %ни, умумий азот 0,06-0,12% ни, умумий фосфор 0,11-0,18% ни ташкил қилади.

Тақир-ўтлоқи тупроқлар тарқалиш майдони бўйича ўтлоқи аллювиал тупроқлардан кейин иккинчи ўринда туриб, майдони 8 фоизни ташкил қилади. Бу тупроқлар массивнинг рельеф бўйича юқори қисмларини ўз ичига олади, шунингдек ўтлоқи-аллювиал тупроқлар таркибида гумус миқдори 0,5-0,8% ни, умумий азот 0,04-0,8% фосфор эса 0,8-0,14% ни ташкил этади.

Массив тупроқлари яхши сув-физик хоссаларга эга бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларига механик ишлов бериш, сув ўтказувчанлиги, намликни сақлаш хусусиятлари жуда қулайдир.

Суғориладиган тупроқларни ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлик даражаси бўйича 5,7% майдон жуда кучсиз, 39,5% ўртача, 3,4% юқори ва 0,5% майдон жуда юқори таъминланган.

Ҳаракатчан калий бўйича эса 1,1% майдон жуда кучсиз, 49,2 % кучсиз, 40,2% ўртача, 8,6% кучли ва 0,9% майдон юқори таъминланган. Ушбу маълумотлардан маълумки суғориладиган ерларда етиштириладиган барча қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл, сифатли ва қафолатланган ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан максимал даражада фойдаланиш талаб қилинади.

Мелиоратив кадастир маълумотларига қараганда, суғориладиган майдонларнинг 13 % ни яхши ерлар, 73 % ни қониқарли ва 14 % ни қониқарсиз ерлар ташкил этади.

Ерларнинг шўрланиши. Суғориладиган ерларнинг 87,0 фоизи турли даражадаги шўрланган ерлардир. Жумладан 4 % ерлар кучли, 25 % ерлар ўртача ва 58 % ерлар кам шўрланган ерлар тоифасига киради. Шўрланмаган ерлар 13 % ни ташкил этади.

Массивнинг суғориладиган ерлари асосан иқлим бўйича қурғоқчил, рельефи бўйича текислик минтақасида ва гидрогеологик жихатидан III-гидрогеологик яъни, сизот сувларини буғланиш минтақасида

жойлашганлиги учун табиий равишда доимо шўрланишга мойил ерлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам вилоят ҳудудидаги барча тупроқ турлари турли даражада шўрланган.

1.3. Ирригация ва мелиорация тармоқлари тавсифи.

Суғориладиган минтақаларда ирригация ва мелиорация шаҳобчалари тўғрисидаги тўла маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.»Янги ҳаёт» массивининг далалари суғориш тармоқлари билан яхши таъминланган.

Асосий суғориш тармоғи канал ва ариқлар ҳисобланади. Суғориш тармоқлари ва зовурлар 317.2 га ни ташкил этади. Массивдаги суғориш тармоқларининг асосий камчилиги шундан иборатки, бу каналлар ердан қазилган, инженерлик тармоқлари билан таъминланган. Каналларнинг ерда қазилганлиги вегетация даврида ортиқча, кўп миқдорда сув исроф бўлишига олиб келади. Массив ҳудудидаги суғориш тармоқларининг ўртача фойдали иш коэффиценти 0,65 – 0,7 ни ташкил қилади. Умумий тақсимланган сувнинг 30 – 35 % ер остига сингади. Массивнинг баъзи участкаларида мавжуд бўлган майда – майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатҳининг кичиклиги, далалар тузилишининг нотўғрилиги сувнинг кўп миқдорда сарф бўлишига сабаб бўлмоқда. Ер ости сувларини йиғгич – мелиоратив тармоқлар, яъни захкашлардир. Далачилик ривожланишининг асоси захкашдир. Захкашлар хўжалик ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаб туришда рол ўйнайди.

1.4. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи

Массивнинг умумий аҳолиси 4748 одамни ташкил қилади. Массив ҳудудида ўнбешта аҳоли пункти бўлиб унинг майдони 221 гектарни ташкил қилади, массивнинг аҳоли сони қуйидаги жадвалда келтирилган.

киши
сони

1 январ 2014 й ҳолатига

а.п №	"Қишлоқ фуқаролар йиғини" номи ва унинг таркибидаги "қишлоқ аҳоли пунктлари" номи	Маҳалла №	Аҳоли пункти таркибидаги - маҳаллалар номи	Жами	шу жумладан	
					Эркак	Аёл
7	Қ.Ф.Й. "ЯНГИ ҲАЁТ"		Маркази а.п. "Янги ҳаёт"			
7-1	а.п. "Чорабодбоғ"	-	-	469	250	219
7-2	а.п. "Калликон"	-	-	396	196	200
7-3	а.п. "Қизил-олма"	-	-	417	211	206
7-4	а.п. "Шехонча"	-	-	303	152	151
7-5	а.п. "Култури"	-	-	312	167	145
7-6	а.п. "Туркман ўғли"	-	-	365	173	192
7-7	а.п. "Қайракон"	-	-	120	63	57
7-8	а.п. "Курак"	7-1	м.ф.й. "Мустакиллик"	508	264	244
7-9	а.п. "Миёникўл"			176	92	84
7-10	а.п. "Эшматлар"			267	138	129
7-11	а.п. "Жалойир"			237	130	107
7-12	а.п. "Аллаберди"			217	114	103
7-13	а.п. "Наврўз"			94	46	48
7-14	а.п. "Қизилгул"			415	221	194
	Жами 14 та			4296	2217	2079
7-15	а.п. "Янги Ҳаёт"	7-2	м.ф.й. "Сухор"	452	214	238
	Жами 15 та		Жами 2 та	4748	2431	2317

I.5. Ердан фойдаланиш тавсифи.

2014йил 1 январь ҳолатига нисбатан “ Янги ҳаёт” массивга 4337.3 га ер майдони фойдаланиш учун бириктирилган. Массив ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги 4- жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Янги ҳаёт массивининг ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		Гектар	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Суғориладиган ҳайдалма ерлар	1254.3	29.0	55.5
2.	Дарахтзорлар: Шу жумладан: боғлар Узумзорлар тутзорлар	121.0 46.3 11.9 62.8	2.9	5.3
3.	Ўтлоқ ва яйловлар	832.0	19	36.7
4.	Бўз ерлар	56.8	1.3	2.5
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	2264.1	52.2	100
5.	Томорқа ерлари	221.0	5.1	
6	Ихота дарахтлари	0	0	
7	Теракзор	0	0	
8	Сув хавзалари	0	0	
9	Ариқ, каналлар ва зовурлар	317.2	7.3	
10	Йўллар	44.0	1.01	

11	Қурилиш, кўчалар, саройлар ва майдонлар	28.0	0.69	
12	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	1463.4	33.7	
	Жами массив чегарасидаги ерлар	4337.3	100	

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки массив умумий майдонининг 29 фоизини ҳайдалма ерлар ташкил қилади. Кўп йиллик дарахтзорлар майдони 121 га, бу эса умумий майдоннинг 2.9 фоизини ташкил этади.

Массивнинг биричи участка фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Фермер хўжаликлари ер фонди

Т/р	Ер турлари	Майдони		
		гектар	Умумий майдонга нисбатан, % ҳисобида	Қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан, % ҳисобида
1.	Ҳайдалма ерлар	529.1	48.6	90
2.	Дарахтзорлар:		5.78	
	шу жумлдан: боғлар	33.4	3.0	5.6
	тутзорлар	4.9	0,4	0.8
		21.6	1.98	3.6
3.	маданий яйловлар	-		
	Жами қишлоқ хўжалик ерлари	589	53.98	100
4	Ихота дарахтлари			

5.	Ариқлар, каналлар ва зовурлар	103.1	9.46	
6.	Йўллар	21.3	1.95	
1	2			
7	Қурилишлар майдонлар кўчалар	37.7	3.46	
8.	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар	47.9	4.4	
	Фермер хўжаликларига бириктирилган жами ерлар	1088.9	100	

Массивнинг биричи участкасида мавжуд фермер хўжаликларига бириктирилган ерлар бўйича ҳар бир фермер хўжаликларига қандай ерлар бириктирилганлигини кўриб ўтамиз. Қуйидаги жадвалда фермер хўжаликларининг ер турлари бўйича майдонлари келтирилган.

Қуйидаги жадвалдан кўринадик деҳқончилик (пахтачилик ғаллачилик) йўналишидаги фермер хўжаликларининг ўртача ҳайдалма ер майдонлари 41 гектарни ташкил қилади. Массив ҳудудида жами 13 та хўжаликлар ташкил этилган бўлиб уларнинг ихтисосликлари қуйидагича: 12 та пахтачилик ва ғаллачилик, бирта тажриба хўжалги,

Деҳқончилик тавсифи: Массив ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шуни кўрсатадики, асосий деҳқончилик тармоғи пахтачилик ҳисоблангани ҳолда, боғдорчилик ҳам ривожланмоқда. Бошқа массивлардаги сингари бу массивда ҳам донли экинларни экиш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, бундан ташқари кейинги йилларада хўжаликда дончилик, сабзавотчилик ҳам ривожланди. Деҳқончиликнинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган экин майдонлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинлари таркиби

т/р	Экинлар тури	Экин майдонлари, га	Шу жумладан, % ҳисобида
1.	Пахта	320	60.50
2.	Бугдой	190	35.9
3	беда	10	1.89
4	Маккажухори дони	6	1.13
3.	картошка	1	0.18
4.	Сабзавот	2.1	0.4
	Жами экин майдони	529.1	100

Юқоридаги жадвалдан кўринадикки асосий ҳайдалма ерлар пахта билан банд бўлиб, умумий экин майдонларининг 60.5 % ташкил қилади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т/р	Экинлар тури	Майдони, га	Ҳосилдор- лиги, ц	Ялпи маҳсулот ҳажми, т
1.	Пахта	320	30	960
2	Бугдой: шу жумладан:	190	50	950
	дони		40	760
	сомони			
3	Беда	10	78	78
4	Маккажухори	6		
	дони		45	27
	пояси		240	144
5.	Картошка	1	180	18
6.	Сабзавот	2.1	200	42

Жами экин майдони	529.1		
-------------------	-------	--	--

Дон майдонлари ҳам умумий экинларнинг 190 гектарини, яъни 35.9 % ни ташкил этади. Шунинг эътирофи этиш керакки, ишлаб чиқаришни таҳлил қилишда экин майдонларининг миқдори билан бирга етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, ҳосилдорлик кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қуйидаги жадвалда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бўйича маълумотлар келтирилган.

Фермер хўжаликларида 2014йил 1 январгача 1286 меҳнатга қобилиятли киши мавжуд бўлган. Шундан 830 киши тўғридан-тўғри фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришида қатнашган. 2120 киши эса бошқа ишлар билан банд бўлган.

Массивда жами қишлоқ хўжалиги ерлари майдони 589 гектарни ташкил этади ёки ҳар бир меҳнатга қобилиятли одамга 0,45 га фойдаланиладиган ер майдони, 0,41 га ҳайдалма ер майдони тўғри келади.

Массивда ҳайдалма ерлардан ташқари мевазорлар 33,4 га, Узумзорлар 4.9 га, тутзорлар 21.6 гани ташкил қилади. Массивда боғдорчилик майдонлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларидан олинаётган маҳсулотлар миқдори 8- жадвалда келтирилган.

8- жадвал

Қишлоқ хўжалик ер турлари таркиби, ҳосилдорлиги ва ялпи маҳсулоти

Т/р	Қишлоқ хўжалик ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлиги, ц/га	Ялпи маҳсулот, т
1.	Боғлар	33.4	60	200.4
2.	Тутзорлар	21.6	50	108
3.	Узумзор	4.9	80	39.2

Жадвалдаги маълумотларга кўра, боғлардан олинаётган ҳосил бугунги кун талабидан биров паст.

Ипакчилик тавсифи: Массивда мавжуд 21,6 гектар тутзордан етиштирилган барг ҳисобига 10 тонна пилла етиштирилади. Массивда

200 қути ипак қурти боқилади ва ҳар бир қути қуртдан 50 кг дан пилла олинади.

Массивда алоҳида чорвачилик фермер хўжаликлари ташкил қилинмаган бўлса ҳам барча фермер хўжаликларида чорво моллари мавжуд.

1.6. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий кўрсаткичлари

Массивнинг ишлаб чиқариш фаолиятини баҳолаш учун асосан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим.

9- жадвал

Массивнинг асосий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	1368550
	Шу жумладан: деҳқончилик	минг сўм	981800
	чорвачилик	минг сўм	386750
2.	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	1149540
3	Соф даромад	минг сўм	219010
4	Рентабеллик	%	19,2

9-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, хўжаликда рентабеллик даражаси 19,2 % ни ташкил этади.

10-жадвал

Сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қиймати

т/ р	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари номи	Миқдори, тонна	Ўлчов бирлиги баҳоси, мингсўм	Умумий баҳоси, минг сўм	Сотиладиган маҳсулотлар қиймати, минг сўм
1	2	3	4	5	6

1.	Пахта	1080	500	540000	540000
2.	Буғдой	1523	200	304600	250000
3.	Мева	21,6	500	10800	10800
4.	Картошка	270	300	81000	81000
5.	Сабзавот	400	250	100000	100000
6	Буғдой сомони	1523	50	76150	-
7	беда	347	100	34700	-
8	Маккажухори	112	200	22400	-
	донипояси	600	25	1500	-
9	Пилла	1	5000	5000	5000
10	Гўшт	16,5	7500	123750	123750
11	сут	158	1000	158000	158000
12	Балиқ	20	5000	100000	100000
	Жами			1457900	1368550

Мавжуд бўлган ишлаб чиқариш харажатлари, массивнинг соф даромади ва рентабеллик даражси.

$$X = (\text{ЯМК} \times 80) : 100 = (1368550 \times 84) : 100 = 1149540 \text{ минг сўм}$$

$$\text{СД} = \text{ЯМК} - X = 1368550 - 1149540 = 219010 \text{ минг сўм}$$

$$R = 219010 \times 100 / 1065582 = 19,2\%$$

Массивнинг рентабеллик даражаси 19,2 % ни ташкил қилмоқда.

11-жадвал

Хўжаликда ердан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи умумий кўрсаткичлар

т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Сони
-----	--------------	---------------	------

1	100 га қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига ишлаб чиқилган:		
	пахта	тонна	86,2
	дон	тонна	126,2
	пилла	тонна	0,08
	мева	тонна	1,7
	сабзавот	тонна	31,9
	картошка	тонна	21,5
	гўшт	тонна	1,3
	сут	тонна	12,6
2	Бир қути ипак қуртидан олинган пилла	кг	50

Хулоса

Биринчи навбатда фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш керак. Бунда фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида фойдаланилаётган ер ресурслари ва уларнинг тупроқ таркиблари экилаётган экин турига мос келиши ҳамда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун алмашлаб экишдан фойдаланиш зарур.

Массивда ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун асосан шўрланган ерларда мелиоратив ишларни кенг қўламда олиб бориш, нотекис экин майдонларида капитал текислаш ишларини ўтказиш ва сув билан кам таъминланган майдонларга янги суғориш тармоқларини ўтказиш зарур. Асосий ташкилий - хўжалик тадбирларидан ҳисобланган алмашлаб экишни қатъий жорий этиш натижасида унумдорлиги кам майдонларнинг унумдорлиги ошади, ерларнинг шўрланиши камаяди ўсимликлар касалликлари йўқотилади, натижада экинлар ҳосилдорлиги ошади. Массив ҳудудида мавжуд бўлган боғ майдонларини кенгайтириш керак. Массивнинг табиий - иқтисодий шароити қишлоқ хўжалик

экинларини етиштириш учун қулайдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан юқори ҳосил олишга салбий таъсир омилларидан бири бу тупроқ шўрланиши ва сув эрозиясидир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун шўрланган ерларда шўр ювиш ишларини олиб бориш ва сизот сувлари яқин жойлашган ерларда зовурларни тозалаш ёки янгисини қазиш лозим.

**II БОБ. МАССИВДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР
МАЙДОНЛАРИ ЎЛЧАМЛАРИНИ МАҚБУЛЛАШТИРИШ**

2.1. Фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш йўналишлари сони ва майдонини аниқлаш

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий механизмларни такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сон фармонининг бажарилиши юзасидан ҳамда ижара муносабатларини кенг ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 30 октябрда №476 –сонли “2004–2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Қарорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт шaroитлар яратиш, шунингдек қишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш кераклиги белгилаб берилган.

–қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юритишнинг асосий шакли сифатида фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун зарур шарт – шaroитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрдаги “2007 йилда қишлоқ хўжалик ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПК–514– сонли қарори қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунига асосан “Фермер хўжалиги –ўзига танлов асосида узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир. Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан фермер хўжаликлари қуйидаги тартибда ташкил этилади.

1. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиги хўжаликнинг бизнес режасида назарда тутилган камида 30 шартли бош чорва молларини боқиш шартлари билан ташкил этилади. Бунда шартли равишда ҳар бир бош мол ҳисобига қуйидаги коэффициентлардан фойдаланилади: Қорамоллар (сигирлар, новвослар) ва отлар учун – 1,0, ёш қорамоллар учун –0,6, қўй ва эчкилар учун –0,1, чўчқалар учун –0,3 ҳамда паррандалар учун –0,025.

Фермер хўжалигига бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами, ҳар бир шартли бош чорва молига ҳисоблаганда: Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерлардан – камида 0,30 гектардан, Қорақолпоғистон республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларида суғориладиган ерларда – камида 0,45 гектардан, суғорилмайдиган (лалмикор) ҳайдалма ерлардан камида 2 гектардан ер ажратиш лозимлиги қонун ҳужжатларида белгиланган.

2. Дехқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашаётган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами: пахтачилик ва ғаллачилик учун – камида 30 гектарни; боғдорчилик, узумчилик сабзавотчилик ва бошқа экинлар етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил қилади.

Ер участкаси фермер хўжалигига имкони борича ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилади, участка чегаралари суғориш тармоқлари, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементлар бўйича белгиланади. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ердан фойдаланишлари учун ноқулайликлар вужудга келтирмаслиги керак.

2008 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р–3077 сонли фармойишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ер майдонларини инвентаризациядан аниқ ўтказиш, ер майдонларидан

оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди.

2010 йил 16 марта Вазирлар Маҳкамасининг 47- сонли “Фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш” тўғрисидаги қарорига асосан 2010 йилда фермер хўжаликлари ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш натижалари асосида мақбуллаштирилган фермер хўжаликлари сони 80628 тани ташкил қилди.

Фермер хўжаликларини лойиҳалашдан олдин хўжаликда мавжуд фермер хўжаликларини кўриб чиқамиз.

Массивда мавжуд фермер хўжаликларини ўрганиш натижасида шу хулосага келдикки пахтачиликка ихтисослашган кичик майдонли фермер хўжаликларини бир нечтасини бирлаштириб яъни контурлар бўйича яхлит фермер хўжаликлари ташкил қилиш зарур ва 2 та чорвачиликка ихтисослашган 10 та пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларини ташкил қилиш назарда тутилди.

Массивнинг биринчи участкаси ҳудудида ташкил этилган мавжуд фермер хўжаликларининг тавсифи

Т.р	Фермер хўжаликлари ихтисосликлари	Умумий майдони	Ҳайдалма ерлар	боғлар	туздор	яйлов	Ихота	Ариқлар, зовурлар	Қурилиш ва бинолар	йўллар	Бошқа ерлар
1	2	3	4	5	6	7	8	10	11	12	13
1	Пахтачилик –ғаллачилик	56.5	36.66	0.62	5.4			3.65		3	7.17
2	Пахтачилик –ғаллачилик	52.2	20.18	22.14	1.59			3.48		1.5	4.81
3	Пахтачилик –ғаллачилик	56.7	48.75	1.0	3.82			2.63		1.5	
4	Пахтачилик –ғаллачилик	85.9	78.1	1.0	1.74			3.06		2	
5	Пахтачилик –ғаллачилик	73.9	65.9	0.59				2.95		2	3.46
6	Пахтачилик –ғаллачилик	73.8	65.1		1.06			4.39		3	0.25
7	Пахтачилик –ғаллачилик	59.7	50.4		4.54			2.76		2	
8	Пахтачилик –ғаллачилик	60.6	51.8		1.26			2.64		2	2.9
9	Пахтачилик –ғаллачилик	44.4	35	0.16	0.46			4.18		3	1.6
10	Пахтачилик –ғаллачилик	56.3	29.5	12.33	4.41			2.26		1	6.8
11	Пахтачилик –ғаллачилик	17.6	14.5					2.1		1	
12	Пахтачилик –ғаллачилик	20	16	3				0.5		0.5	
13	Пахтачилик –ғаллачилик	22	20		0.59			0.5		0.5	
	Жамиси:	679.6	530.39	41.84	24.28			32.34		23	26.99

Лойиҳаланаётган фермер хўжаликларининг ихтисослиги, сони ва майдонлари тавсифи

Т.р	Фермер хўжаликлари ихтисослиги	бириктирилган контурлар	Умумий майдони	Ҳайдалма ерлар	боғлар	тутзор	яйлов	Ихота	Ариklar, зовурлар	Қурилиш ва бинолар	йўллар	Бошқа ерлар
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	Пахта-ғалла	49.35.34.33.25.36.	56.5	36.66	0.62	5.4			3.65		3	7.17
2	Пахта-ғалла	82.84.85.80.78.73.87. 31.30.39.37.86.52.50. 54.55.56.142.29.49.ч.	52.2	20.18	22.14	1.59			3.48		1.5	4.81
3	Пахтачилик- ғаллачилик	150.160.161.213. 150.151.148. 148.149.214.230.154. 155ч.152.	56.7	48.75	1.0	3.82			2.63		1.5	
4	Пахтачилик- ғаллачилик	138.136.144.145. 146.134.133.147. 140.215.234.244.245. 156.157.155ч.	85.9	78.1	1.0	1.74			3.06		2	
5	Пахтачилик- ғаллачилик	113.127.126.165.201. 204.173.174.125.126. 167.169.205.206.	73.9	65.9	0.59				2.95		2	3.46
6	Пахтачилик- ғаллачилик	6.3.4.1.178.179.180. 181.182.200.	73.8	65.1		1.06			4.39		3	0.25
7	Пахта-ғалла	122.123.117.116.	59.7	50.4		4.54			2.76		2	

		124.106.											
8	Пахтачилик- ғаллачилик	70.79.63.65.66. 67.68.69.71. 74.75.76.269.267. 268.266.	60.6	51.8		1.26			2.64		2	2.9	
9	Пахтачилик- ғаллачилик	162.163.211.220.219. 226.227.228. 210.229.216.232. 231.233.	44.4	35	0.16	0.46			4.18		3	1.6	
10	Пахтачилик- ғаллачилик	129.130.131.118. 120.135.124.ч 194.128.187.191. 185.184.198. 196.197.110.	56.3	29.5	12.33	4.41			2.26		1	6.8	
11	Чорвачилик		20	16	3				0.5		0.5		
12	Чорвачилик		22	20		0.59			0.5		0.5		
13	Ўқув -тажриба	238.239.240. 237.242.235	17.6	14.5					2.1		1		
	Жамиси:		679.6	530.39	41.84	24.2 8			32.34		23	26.99	

Массив худудида оптималлашган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда 13 та хўжалик лойиҳаланди. Бу фермер хўжаликларидан 10 таси пахта ғаллачиликка 2таси чорвачиликка ихтисослашган, 1 таси Ўқув тажриба хўжалиги Фермер хўжаликларининг ер майдонлари бўйича ўртача майдони 52.2 гектарни ташкил қилади.

Массивда жойлаштирилган фермер хўжаликларда экиладиган экин турлари ва майдонлари кейинги жадвалда келтирилади.

Фермер хўжаликларидаги экин турлари таркиби

Т.р	фермер хўжа-ликла- ри их-тисос- лиги	экин май дони	Шу жумладан							боғ	тутзо р терак
			Пах-та	Буғ-дой	Сабза-вот	полиз	кар- тош- ка	беда	Мак ка дони		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Пахта-ғалла	36.66	25.56	11							
2	Пахта-ғалла	20.18	22.14	1.59			3.48		1.5	4.81	
3	Пахта-ғалла	48.75	1.0	3.82			2.63		1.5		
4	Пахта-ғалла	78.1	45.81	31.6	0.4		0.3				
5	Пахта-ғалла	65.9	40.64	25.2							
6	Пахта-ғалла	65.1	35.68	29.4							
7	Пахта-ғалла	50.4	27.7	22.7							
8	Пахта-ғалла	51.8	40.98	10.8							
9	Пахта-ғалла	35	23.21	11.8							
10	Пахта-ғалла	29.5	16.92	11.36	0.75		0.49				
11		20	16	3				0.5		0.5	

	Чорвочилик										
12	Чорвочилик	22	20		0.59			0.5		0.5	
13	Ўқув - тажриба	14.5	7.38	4.3	1.5		1				
	Жами:	530.39	326.94	196.5	5.06		1.89				

Юқоридаги жадвалга нисбатан фермер хўжаликларида экиладиган экин турлари майдони аниқланди. Унга кўра йирик фермер хўжаликларида сабзавот, полиз, картошка экинлари ҳам экилишини ҳисобга олинди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 октябрь 2008 йилдаги “Озиқ овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги фармонида кўра пахта экиладиган далаларни камайтириш ҳисобидан бошоқли дон экинлари учун мўлжалланган майдонларни қарийб 50 минг гектарга кўпайтириш, шунингдек, сабзавот, мойли ўсимликлар ва бошқа озиқ овқат экинлари экиладиган ерларни янада кенгайтириш кўзда тутилган.

2.3 Фермер хўжаликларига ер ажратиш ҳужжатларини расмийлаштириш

Ер тузишдаги қонун ҳужжатларига асосан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхонаси ер участкалари махсус комиссия томонидан ўтказилган танлов якунлари ва уларнинг фермер хўжаликлари ер майдонларидан оқилона фойдаланишгани, техник воситалари мавжудлиги ва фермер хўжалигининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш натижалари, фермер хўжалигида меҳнатни ташкил қилиш аҳоли ўрганиб чиқилади. Ер бериш “Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низом” га асосан қуйидаги тартибда амалга оширилади. Туман ҳокими қайта ташкил қилинаётган фермер хўжалик ерларини фермер хўжаликларига бериш бўйича қарор қабул қилади. Ҳокимнинг танлов ўтказиш бўйича қарори маҳаллий оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак. Танловда қатнашиш учун бириктирилаётган фермер хўжаликлари аризаси қабул қилинади. Бириктирилиши мўлжалланаётган фермер хўжаликлари қайси бир фермер хўжалигига қўшилиши кўрсатилган аризани комиссияга тақдим

килади. Фермер хўжаликлари қўшилиши фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги асосида амалга оширилади. Фуқороларнинг аризалари махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади. Туман ҳокими аризани ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияга беради, комиссия фермер хўжалигига ер участкаси беришни кўриб чиқиб комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади ва туман ҳокимига тақдим қилинади. Туман ҳокими комиссия қарорини фермер хўжалигига ер участкаси бериш тўғрисида қарор чиқаради ва ушбу қарорни ҳамда танлов комиссияси иши натижаларини вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясига тасдиқлаш учун юборади. Вилоят ҳокими бошчилик қиладиган комиссия тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва туман ҳокимининг фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш (рад этиш) ҳақида қарор қабул қилади. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати томонидан беш кун муддатда ер участкасини ижарага бериш бериш шартномаси тайёрланади. Шартнома туман ҳокими ва фермер хўжалиги бошлиғи томонидан имзоланади. Шартномага унинг ажралмас қисми сифатида фермер хўжалиги ер участкасининг харитаси илова қилинади. Унда барча ҳолатлар тўлиқ кўрсатилади. Шартнома тузилгандан кейин беш кун муддатда ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати вакили чегарадош ерлар вакиллари иштирокида ижарага берилган ер участкаси чегарасини кўрсатади. Ерларни кўрсатиш далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда фермер хўжаликлари ерлари таркибига кирадиган ерлар контурлари кўрсатилади, ижарага берилаётган ер участкаси чегаралари жойнинг қайси элементлари бўйлаб ўтиши ва бошқалар тавсифланади. Далолатнома ер ресурслари бўйича ва давлат кадастри туман хизмати вакили, чегарадош ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар вакиллари ҳамда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан

имзоланади. Далолатнома икки нусхада тузилади, улардан биттаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади. Ерларни ижарага беришни расмийлаштириш ишлари тугаллангач ер тузиш йиғмажилди тайёрланади. Унда қуйидаги хужжатлар мавжуд бўлади. Фуқоронинг фермер хўжалиги ташкил этиш тўғрисидаги аризаси, ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси ёки мазкур комиссия томонидан ўтказилган танлов яқунлари тўғрисида практокол. Туман ва вилоят ҳокимининг фермер хўжалигига ер участкасини ижарага бериш шартномаси, фермер хўжалигининг ер участкаси чегараларини кўрсатиш далолатномаси. Фермер хўжалиги ер участкасини ижарага беришни расмийлаштириш бўйича ер тузиш йиғмажилди 2 нусхада тайёрланади, улардан биттаси ер ресурслари ва давлат кадастри туман хизматида, иккинчиси фермер хўжалиги бошлиғида сақланади.

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАСИНИ ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИГА АЙЛАНТИРИШДА ЕР
УЧАСТКАСИНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ИЖАРАГА БЕРИШ**

Ш А Р Т Н О М А С И

**Ушбу Шартнома намунаси Вазирлар Маҳкамасининг
2002 йил 5-январ №8-сонли қарори билан тасдиқланган.**

**Қишлоқ хўжалиги корхонасини фермер хўжаликларига
айлантиришда ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш**

Ш А Р Т Н О М А С И

20__ йил «__» _____ - сон

Кейинги ўринларда «Ижарага берувчи» деб аталадиган ЯНГИ
ҲАЁТвилояти Когонтумани ҳокимлиги номидан ҳоким Ниёзов Х бир
томондан ва туман ҳокимининг 2010 йил «30» ноябрдаги №Ф/305-
сонли қарори билан ташкил этилган, кейинги ўринларда «Ижарачи» деб
аталадиган Куди Гавҳар фермер хўжалиги бошлиғи И. Абдурахмонов
иккинчи томондан ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I.Шартнома мавзуси

1. Ижарага берувчи Когонтумани ерларидаги 3,4,5,30,28,33,35 контур-
лардаги 59,94 гектар ер участкасини 2014йил «1»январдан бошлаб 49 йил
муддат билан узоқ муддатли ижарага беради. Ижарачи эса ижарага қабул
қилиб олади.

Ер участкаси чегаралари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми
ҳисобланадиган илова қилинаётган фермер хўжалиги ерларининг тархида
кўрсатилган.

2.Ер участкаси пахтачилик ва ғаллачиликка

(ихтисослашуви)

фермер хўжалигини юритиш учун узоқ муддатли ижарага берилмоқда.

3.Ер участкаси қуйидаги экин майдонларидан иборат:

суғориладиган экин майдони 58,86 гектар;

ариқлар, зовурлар 0,74 гектар

қурилишлар, бинолар 0,28 гектар;

йўллар 0,06 гектар;

4.Суғориладиган ерларнинг сифат бўйича ҳолати:

сув билан таъминланганлиги 100%

суғориб келинаётган муддати янгидан;

сув сингдирувчанлиги яхши;

эрозияга учраганлик даражаси кам;

тошлоқлилик даражаси йўқ;

шўрланганлик даражаси кам шўрланган;

сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 2,5-5 м;

тупроқнинг балл-бонитети 41;

5.Ер участкасини фойдаланилганлик даражаси ; яхши

6.Сервитутлар келишилган

II. Ижара ҳақини тўлаш

7. Ер учун ижара ҳақи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қишлоқ хўжалиги ерлари учун тасдиқланган муддатлар ва ставкалар бўйича ягона ер солиғи тарзида туман бюджетига тўланади.

8. Ижара ҳақининг ўз вақтида тўланмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пеня ундирилади.

III. Ижарага берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

9. Ижарага берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ушбу Шартномани ўзгартиришни ёки Шартнома шартлари Ижарачи томонидан бузилган тақдирда уни бекор қилишни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ер участкасини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда харажатларни ва етказилган заррани (шу жумладан бой берилган фойдани) тўлиқ қоплаш шарти билан давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиш;

ер участкасидан фойдаланилганлик даражасини ва сервитутларни аниқлаш.

10. Ижарага берувчи қуйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ер участкасини ушбу Шартномада белгиланган муддатларда натура ҳолида (ўз жойида) берилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларни суғориш учун ажратилган лимитларга мувофиқ сув берилишини таъминлаш;

Ижарачининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиш.

IV. Ижарачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Ижарачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ер участкасида белгиланган мақсадда ва фермер хўжалиги уставига мувофиқ мустақил равишда хўжалик юритиш;

экилган ва ўтқазилган қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўсимликларга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига ҳамда уларни сотишдан олинган даромадларга эгалик қилиш;

ер участкасидаги кенг тарқалган фойдали қазилмалар, ўрмонзорлар, сув объектларидан хўжалик эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш, шунингдек ерларнинг бошқа фойдали хоссаларидан фойдаланиш;

ерларни суғориш, захини қочириш, агротехника ва бошқа мелиоратив ишларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги экинларини , ўсимликларни суғориш ва бошқа мақсадлар учун суғориш манбаларидан лимитларга мувофиқ сув олиш;

Ижарага берувчи билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда ишлаб чиқариш мақсадидаги ҳамда бошқа иморат ва иншоотлар қуриш. Уларни қайта қуриш ва бузишни ер участкасининг белгиланган мақсадидаги ҳамда лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

Ер участкаси олиб қўйилганда ўзига етказилган зарарни (шу жумладан бой берилган фойдани) ёки ер участкасидан ихтиёрий равишда воз кечилганда харажатларни ундириб олиш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

12. Ижарачи қуйидагиларга мажбур:

ихтисослашувни 10 йил мобайнида сақлаш;

давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни (ихтисосликни ҳисобга олгин ҳолда) ташкил этиш;

ерлардан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг табиатни муҳофаза қилиш технологияларини қўллаш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик;

ишлаб турган ирригация ва мелиорация тармоқлари, муҳандислик коммуникацияларининг соз ҳолатда бўлишини таъминлаш;

ерларни муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида назарда тутилган тадбирлар комплексини амалга ошириш;

ер учун ижара ҳақини ўз вақтида тўлаш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларининг ҳуқуқларини бузмаслик;

ердан фойдаланиш бўйича белгиланган маълумотларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида тақдим этиш;

бошқа ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачилари ва эгаларига етказилган зарарни белгиланган тартибда тўлаш;

ўз зиммасига тўғри келадиган кредиторлик қарз улушининг тузилган шартномада белгиланган муддатларда тўланишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини (беш йил мобайнида ўртача ҳисобда) ернинг нормативдаги кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

Ижарачи «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган боша мажбуриятларга ҳам эга.

V. Ер участкаси ижара шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

13. Ушбу Шартнома томонларнинг келишувига биноан, томонларнинг келишувига эришилмаган тақдирда суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

14. Ушбу Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
фермер хўжалиги тугатилган тақдирда;
агар хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи бирорта ҳам хўжалик аъзоси ёки меъросхўр қолмаса;
ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда

ер участкаси ижарага берилган муддат тугаганда ва ердан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имконияти бўлмаганда;

ердан белгиланган мақсадда, оқилона фойдаланилмаганда,
нормативдаги кадастр баҳосидан мунтазам равишда (уч йил мобайнида) паст ҳосил олинганда;

ерларнинг экологик ҳолати ижарачининг айбига кўра ёмонлашганда;
ер участкаси белгиланган тартибда олиб қўйилганда;
ижара ҳақи мунтазам равишда белгиланган муддатларда тўланмаганда;

агар фермер хўжалиги ер участкасини олган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида ишлаб чиқариш- хўжалик фаолиятига киришмаса;

фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта қўпол равишда бузилганда;
ушбу Шартнома шартлари бузилганда;

амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар бўйича.

VI.Томонларнинг жавобгарлиги

15. Томонлардан бири ушбу Шартнома шартларини бажармаганда

ёки қонунчиликни мунтазам равишда бузганда иккинчи томон ушбу Шартноманинг белгиланган тартибда бекор қилинишини талаб этиш ҳуқуқига эга.

16. Бартараф этилиши мумкин бўлган ҳар қандай бузилиш Шартноманинг бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

17. Томонлардан бири Шартномани бекор қилиш истаги тўғрисида иккинчи томонни Шартноманинг бекор қилиниш сабабларини асослаган ҳолда уч ой олдин ёзма равишда хабардор қилади.

VII. Низоларни ҳал қилиш

18. Ушбу Шартномадан фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

19. Ушбу Шартнома Ижарага берувчи томонидан муддатидан олдин бекор қилинганда Ижарачи Ижарага берувчининг қароридан норози бўлган тақдирда ушбу қарор юзасидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

VIII. Шартноманинг алоҳида шартлари

20. Ушбу Шартнома уч нусхада тузилади, улардан биттаси туман ҳокимлигида, иккинчиси – фермер хўжалигида, учинчиси – туман ер ресурслари хизматида сақланади.

Томонларнинг юридик манзиллари:

Ижарага берувчи:
Когонтумани ҳокими

Ижарачи:
«Сухроб замини»
фермер хўжалиги

Томонларнинг имзолари:

Ижарага берувчи- Когон
тумани ҳокими

Ижарачи-«Сухроб замини»
фермер хўжалиги бошлиғи

имзо ўрни

имзо ўрни

«Сухроб замини» фермер хўжалиги ер участкаси чегаралари

ТАРХИ

Чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар

А дан Б гача _____

Б дан В гача _____

В дан Г гача _____

Миқёс 1:10 000

Ижарачи

Фермер хўжалиги раҳбари

(имзо)

(исми, шарифи)

М.Ў

Туман ер ресурслари хизмати раҳбари

(имзо)

М.Ў

Ижарага берувчи

тумани ҳокими

(исми, шарифи)

М.Ў

(исми, шарифи)

««Сухроб замини»»Фермер хўжалигига ажратилган ер
майдонларини жойида кўрсатиш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

200__йил «__»_____сонли _____
(тузилган жой)

Мен _____
(далолатнома тузувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими)

Когон тумани хокимининг 2010й. «30» ноябрь Ф-305- сонли қарорига асосан»Янги ҳаёт»массиви ҳудудида жойлашган “Сухроб замини” фермер хўжалигига ажратилган жами _____ гектар;

Шундан ер турлари бўйича:

Номи	Контур т/р	Майдони, га	Номи	Контур т/р	Майдони, га
Сувли ҳайдаладиган Ихота дарахтзорлар Сув остидаги ерлар Йўллар, уватлар	3, 4, 5,30, 28,33, 35	58,86 0,74 0,06	Қурилиш билан банд ерлар Бошқа ерлар		0,28

Ер майдонларини жойида фермер хўжалиги бошлиғи И.Абдурахмонов иштирокида ўлчаб кўрсатдим. Ер майдонини ўлчаб кўрсатишда қўшни чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар вакилларидан Саматов А, ҚФЙ раиси, Бахромов А.

«Сухроб замини» фермер хўжалиги
рахбари _____

(иш жойи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ лар иштирок этишди.

Фермер хўжалигига ажратилган ер майдони қуйидаги чегарадош ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ва ер элементлари билан чегараланади ариқлар, фермер хўжаликлари ва қўшни массивлар

Ажратилган ер майдонининг жанубий ва шарқий томонига чегара белгилари қўйилди ва ушбу қўйилган белгиларни ўз ҳолатида сақлаш мажбурияти фермер хўжалиги раҳбарига юклатилади.

Ажратилган ер майдонини ўлчаб кўрсатди: Умматов Х
(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Ажратилган ер майдонини қабул қилди: И.Абдурахмонов
(фермер хўжалигининг номи ва вакилнинг
фамилияси, исми, лавозими)

Чегарадош ер эгалари ва	1. «Сухроб замини» фермер хўжалиги
ердан фойдаланувчиларнинг	2.»Янги ҳаёт»фермер хўжалиги
вакиллари:	3. Мужалло Когон фермер хўжалиги

2.4. Меҳнат муҳофаза қилиш масалалари

а) Хаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари

“Хаёт–фаолияти хавфсизлиги” илмий фан бўлиб, хавфлар ва улардан ҳимояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети фаолият (меҳнат) нинг бир томонидир, ёки айнан хавфлар ва улардан ҳимояланишдир.

Хаёт–фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ишлаб чиқариш ва фавқулодда ҳолатларда хавфсизликни таъминлаш ва яхши иш шароитларини яратиш учун инсонларни назарий ва амалий жиҳатидан тайёрлаши, ҳамда экстремал вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўрганишдан иборатдир.

Хавф – хаёт – фаолият хавфсизлигининг марказий тушунчаси бўлиб, у ходиса жараён ва объектларнинг инсон соғлигига тўғридан тўғри ёки билвосита маълум шароитда қай даражада зарар етказиш қобилиятини кўрсатади, яъни кўнгилсиз оқибатларни олиб келади.

Хавфсизлик – бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимолликда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир.

Хавфсизлик бу инсонлар олдида қўйилган мақсаддир. Хаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усуллари.

б) Фуқоро муҳофазаси

Ўзбекистон республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонига кўра Республикамиз ҳудудида юзага келиши эҳтимоли бўлган табиий ва техноген турдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларни прогнозлаш ва юз берган ҳолда уларнинг оқибатларини зудлик билан тугатиш ишларини ташкил қилиш учун мустақил давлатлар ҳамкорлиги ичида Ўзбекистон фавқулодда вазиятлар вазирлиги биринчилардан бўлиб ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида 20 август 1999 йилда қабул қилинган “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген

хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”, 2000 йил 31 августдаги “Фуқоро муҳофазаси тўғрисида”, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” ги қонунлар босқичма – босқич қабул қилинди.

Фуқоро муҳофазаси борасида илк бор қабул қилинган ва кучга кирган қонун аҳолини ва ҳудудларини турли хилдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида асосий тушунчалар, ҳукумат ваколатлари, фуқороларни ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳалокатли вазиятларни бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари тўғрисида маълумот беради.

Вазирлар Маҳкамасининг 27 октябрь 1998 Йилдаги №455 қарорига кўра Республикамиз ҳудудида қуйидаги фавқулодда вазиятлар содир бўлиши мумкин: техноген вазиятлар, табиий ҳалокатлар, экологик ҳалокатлар.

Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат.

1. Фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва аҳолини огоҳлантириш.
2. Фавқулодда вазиятлардан кўриладиган талофатларни камайтириш.
3. Фавқулодда вазиятларни енгиллатиш ва шароитни баҳолаш.
4. Фавқулодда вазиятларни тугатишни ташкил этиш.

Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишга тайёрлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал этишни тақозо қилади:

1. Аҳолининг барча қатламлари (мактаб ўқитувчисидан тортиб қарияларгача, ҳар бир киши) яшаб, ишлаб (ўқиб) турган жойида қандай фавқулодда вазиятлар вужудга келиши мумкинлигини, уларнинг тавсифини, аҳоли ва ҳудудга таъсирини билиши керак.

2. Ҳар бир киши эҳтимоли тутилган ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш қоидаларини билиши керак.

3. Ҳар бир киши юз бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш йўллари, усуллари ва воситаларини билиши ҳамда улардан фойдалана олишлари керак.

4. Ҳар киши (ўзига ўзи ва бир–бирига) биринчи ёрдам беришни

билиши ва ёрдам бериши керак.

Фуқоро муҳофазасида муҳандислик –техникавий тадбирлари меъёрларининг талаблари қуйидагиларга қаратилган бўлади: аҳолини муҳофаза қилиш, тинчлик даврида содир бўладиган ғавқулодда вазиятлар зарарини камайтириш, тинчлик пайтида ва ҳарбий даврда халқ хўжалик объектлари, бирлашмалар, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий офат содир бўлган зоналарда қутқариш ишлари амалга ошириш учун зарур шароит яратиш. Халқ хўжалиги тармоқлари ва объектларида

фуқоро муҳофазаси муҳандислик техникавий тадбирларни лойиҳалаш ушбу меъёрий талабларга ҳамда вазирликлар, идоралар Давлат қўмиталари, Ўздавлатархитектурақурилиш, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ғавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишиб ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Халқ хўжалиги объектларини жойлаштиришга қўйиладиган талаблардан бири шуки сув босиши мумкин бўлган ҳудудда жойлаштирмаслик керак.

в) Ёнғин хавфсизлиги

Ёнғин – махсус манбаада бўлмаган ва моддий зарар келтирувчи назоратсиз ёнишдир.

Ёнғинга қуйидагилар сабаб бўлади: иситиш печларини қуриш ёки ишлатиш қоидаларининг бузилиши, ишлаб чиқаришда ёки уйда оловни эҳтиётсизлик билан ишлатиш, керосинда ишлайдиган ёритиш ёки қиздириш асбобларини нотўғри ўрнатиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, яшин ёки статик электр разрядлар, машиналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларининг носозлиги ҳамда уларни ишлатиш қоидаларига риоя қилмаслик (ички ёнув двигателларида чиқадиган учқунлар, электр қурилмаларидаги қисқа туташувлар ёки уларнинг ерга

уланиб қолиши, электр симларида нагруканинг йўл қўйилмайдиган даражада ортиб кетиши, контактлари ёмон бўлган жойларнинг қизиб кетиши ва улардан учкун чиқиши. Буғ қозонларининг портлаши); қишлоқ хўжадик маҳсулотларининг ёки ёқилғининг ўз–ўзидан ёниб кетиши.

Ёнғиннинг олдини олиш тадбирлари: ташкилий (кўнгилли ўт ўчирувчи дружиналари ёки ёнғиндан муҳофазалаш дружиналари тузиш омма орасида тушунтириш ишлари олиб бориш) техникавий тадбирларга қуйидагилар: ёнғин ёки портлаш жиҳатидан хавфли хоналарга алоҳида конструкцияли электр жиҳозлар ўрнатиш, носос печлар, машиналар, электр жиҳозлардан, шунингдек осон алангаланадиган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган жойларда оловдан фойдаланишни таъқиқлаб қўйиш, яшин қайтаргичлар ўрнатиш, чиққан ёнғиннинг тарқалишига йўл қўймаслик чораларини кўриш (объектларни ўтга чидамли материаллардан қуриш, бинолар орасидаги ёнғинга қарши ораликларга риоя қилиш), ёнаётган бинолардан одамлар, ҳайвонлар ва қимматбаҳо хўжалик буюмларини кўриш (керакли миқдорда эшиклар, зарур кенгликда коридор (йўлак) лар қуриш, уларни тўсиб қўйишни ман этиш), ёнғинни ўчиришни осонлаштирадиган тадбирларни кўриш (ёнғинни ўчириш, нарвонлар, ёнғин кузатиш вишкалари, сув хавзалари ва биноларга келиш йўллари қуриш, ёнғин алоқаси ҳамда сигнализациясини ўрнатиш).

г) Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш

г) Шикастланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдан олдин қуйидаги ишларни бажариш лозим:

–жароҳатланиш сабабларини йўқотиш (жароҳатланувчини газлар, захарлар тўлган хонадан олиб чиқиш) электр симини олиш (электр токи урганда; жароҳатланувчининг аҳволини ёмонлашадиган барча нарсаларни йўқотиш (жароҳатланувчи устидан юкни, девор парчаларини олиш, хонадан ёки ёнаётган жойдан олиб чиқиш);

–жароҳатланувчининг умумий аҳволини аниқлаш ва биринчи навбатда одам ҳаёти ва саломатлигига энг кўп хавф туғдираётган нарсани йўқотиш (артериялар кесилганда қон оқишини тўхтатиш, нафас олиш тўхтаб қолган ва юрак фаолияти бузилган бўлса, сунъий нафас олдиришни ёки юракни уқалашни бошлаш ва ҳ.к.);

- агар беморга хавф туғилмайдиган бўлса, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда уни қўзғатмаслик;
- хушидан кетганда ташклаб кетмаслик;
- биринчи ёрдам кўрсатиш учун жароҳатланганнинг кийимини ечишда ёки яраланган жойидаги кийимини қирқишда жуда эҳтиёт бўлиш зарур;
- жароҳатланганни авайлаш.

Тананинг бирор жойи кесилганда ёки суяклари очик синганда артериядан, венадан капиллярлардан қон оқиши мумкин. Оёқ –қўллардан қон оққанда резина боғлам ёки қўлда бор нарсалардан – тасма, газлама парчаси ёки бошқалардан бурама боғлам қўйган яхши.

Қориннинг устки қисми шикастланганда одатдаги боғламни қўйиш мумкин. Қорин бўшлиғининг ичи шикастланганда бемор санитария замбилига чалқанчасига ётқизилади, тиззалари бироз букилади. Очик жароҳатларни усти стерилланган сочиқ билан ёпиб қўйилади.

Агар одам электр токи таъсирига тушиб қолган бўлса уни токли қисмдан ажратиш зарур. Бунда электр қурилмани рубильникдан учуриш ёки включательдан узиш, симни қирқиб ташлаш, жабрланувчини кийимидан тортиб токли қисмлардан ажратиш, қуруқ таёқ ёрдамида симни олиб ташлаш лозим. Жабрланувчини токли қисмлардан ажратишда эҳтиёт чорасини кўриш керак, чунки ёрдам кўрсатаётган кишининг ўзини ток уриши мумкин. Жабрланувчи токдан ажратилгандан кейин бирор тўшама устига ётқизилади, кийим тугмалари, камари ечилади ва тоза хаводан нафас олдирилади, новшадил спирти ҳидлатилади, бетига совуқ сув сепилади, бадани ишқаланади ва иситилади.

Агар жабрланувчининг нафас олиши тўхтаган бўлса у қийналиб нафас олаётган бўлса унга сунъий нафас олдирилади ва юраги уқаланади.

III БОБ. ЛОЙИҲАНИ ИҚТИСОДИЙ ВА ЭКОЛОГИК АСОСЛАШ

3.1. Фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори ва қийматини аниқлаш

Массив ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик экинларидан олинадиган ялпи маҳсулотлар ҳисоби қуйидаги жадвалда келтирилган.

16-жадвал

Массив ҳудудида етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

Т.р	Қишлоқ хўжалик экин ва ер турлари	Майдони, га	Ҳосилдорлик ц/га	Ялпи ҳосил, тонна
1	Пахта	651,03	22	1432
2	Бугдон	488,01		
	Шу жумладан дони		30	1464
	Сомони		28	1366
3	Сабзавот	15,52	200	310
4	Полиз	12	250	300
5	Картошка	13,96	200	279
6	Беда	44	100	440
7	Маккажухори дони	24	55	132
	пояси		250	600
8	мева	1,04	60	6,2
		1249,56		

Лойиҳада 2 та чорвачилик йўналишидаги фермер хўжалигини жойлаштирдик. Унга 27,3 га ер бириктирилди. Ҳар бир чорва моли учун 0,30 гектардан суғориладиган ҳайдалма ер майдони ажратилди. Фермер хўжалигида 330 та қорамолга етарли даражада ер майдони ажратилди. Лекин фермер хўжалиги қарамоғида 70 бош қорамол мавжуд. Мана шу

чорвачилик фермер хўжалигида етиштириладиган маҳсулотлар миқдори қуйидаги жадвалда келтирилган.

17-жадвал

Чорвачилик фермер хўжаликларида етиштириладиган маҳсулотлар
миқдори

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори
1	Қорамоллар сони	бош	330
	1 бош қорамол ҳисобига		
	етиштириладиган гўшт	кг	60
	Жами етиштириладиган гўшт	тонна	19,8
2	Соғин сигирлар сони	бош	140
	Бир сигирдан йил давомида		
	соғиб олинadиган сут	кг	1300
	Жами етиштириладиган сут	тонна	182
3	Жами етиштириладиган пилла	тонна	2
	Бир қути ипак қуртидан		
	олинadиган пилла	кг	50

Юқоридаги келтирилган жадваллардаги маълумотлардан кўринадигани массивнинг ўртача тупроқ балл бонитети 41 баллни ташкил қилганлигини ҳисобга олган ҳолда экинлардан олинadиган ҳосилдорликда бу ҳисобга олинди.

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини мақбуллаштириш натижасида олинadиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдори, уларнинг харид нархларига кўпайтириш орқали аниқланади. Ҳисоб китоблар натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.

18-жадвал

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг харид нархлари бўйича қиймати

Т. р	Маҳсулот номи	Миқдори тонна	1 тонна маҳсулот нархи, минг сўм	Умумий қиймати Минг сўм
1	Пахта	1432	500	716000
2	Буғдон дони	1464	200	292800
3	Сабзавот	310	300	93000
4	Полиз	300	200	60000
5	Картошка	279	300	83700
6	мева	6,2	500	3100
	Деҳқончилик бўйича жами			1248600
7	Гўшт	19,8	7500	148500
8	Сут	198	800	158400
9	Пилла	2	5000	10000
10	балиқ	50	5000	250000
	Чорвачилик бўйича жами			566900
	Массив бўйича ҳаммаси			1815500

18- жадвал натижалари бўйича массивда етиштириладиган қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотларининг умумий қиймати 1815500 минг сўмни ташкил қилди.

3.2. Фермер хўжаликлари ер майдонини оптималлаштириш билан боғлиқ капитал ва йиллик харажатлар миқдорини аниқлаш

Массив ҳудудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш билан боғлиқ лойиҳани амалга оширишда капитал ва

йиллик харажатлар сарфланади. Капитал харажатларга ирригация ва мелиорация ва йўл тармоқларини қуриш, ихота дарахтларини барпо қилиш билан боғлиқ харажатлар киради.

Йиллик харажатларга қишлоқ хўжалик машиналарининг далаларда ишлаш (қишлоқ хўжалик ер турларига ишлов бериш ва бошқалар) жараёнида бефойда юриш билан боғлиқ харажатлар, уларнинг трактор ва агрегатларни айлантриб олишда айланиш жойларида ўсимликлар кўрадиган зарар ва бошқалар киради.

Капитал харажатларни ҳисоблаш бўйича олинган натижалар 19-жадвалда келтирилган.

19-жадвал

Капитал харажатлар хажми

Т.р	Харажат турлари	Ўлчов бирлиги	миқдори	Ўлчов бирлиги қиймати минг сўм	Умумий қиймати минг сўм
1	Суғориш тармоқларини қайта таъмирлаш	км	2,5	25000	62500
2	Дала йўлларини қуриш	км	5,4	200	27000
3	Гидротехник иншоотларни қуриш				
	-кувурлар	дона	3	5000	15000
	-сув айирғич	дона	2	10000	20000
4	Йўл ва ариқлар бўйига ихота дарахтларини				
5	барпо қилиш	га	4	2500	10000
6	Зовурларни тозалаш	км	15	5000	75000
7	Бошқа харажатлар				
	жами				209500

Массив худудидаги фермер хўжаликлари ер майдонларини омақбуллаштириша йиллик харажатлар миқдорини амортизация ажратимаси ва эксплуатация харажатлари орқали ҳисоблаб чиқамиз.

Йиллик ишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$Й_x = A + Э$$

Бу ерда: A -амортизация ажратмаси, $Э$ -эксплуатация харажатлари.

Амортизация ажратмаси капитал харажатлардан 3 % ва эксплуатация харажатлари капитал харажатлардан 5 % миқдорида олинади.

Лойиҳа бўйича амортизация ажратмаси 6,27 млн сўм, эксплуатация харажатлари 10,45 млн сўмни ташкил қилмоқда.

Йиллик харажатлар: $E = 6,27 + 10,45 = 16,72$ млн сўм

Ишлаб чиқариш харажатларини аниқлаганимиздан сўнг келтирилган харажатларни аниқлаймиз. Келтирилган харажатлар қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$П_i = C_i + K_i \times E_n$$

Бу ерда: $П_i$ -келтирилган харажатлар, C_i - йиллик ишлаб чиқариш харажатлари, K_i - капитал харажатлар, E_n - капитал харажатлар самарадорлиги коэффиценти.

$$П_1 = 16,72 + 209,5 \times 0,15 = 48,145 \text{ млн сўм}$$

Келтирилган харажатлар 48,145 млн сўмни минг сўмни ташкил қилади.

3.3. Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичларини аниқлаш

Соф даромад етиштирилган ялпи маҳсулот қиймати билан уни етиштириш учун сарфланадиган харажатлар айирмаси орқали қуйидаги ифода орқали аниқланади.

$$СД = ЯМК - X$$

Бу ерда: ЯМК – ялпи маҳсулот қиймати, минг сўм; X -харажатлар (бу кўрсаткич технологик харажатлар ёрдамида аниқланади) бизнинг мисолимизда ЯМК қийматидан 80 % олинган, $X = ЯМК \times 80 / 100$ минг сўм.

$$СД = 1815500 - 1452400 = 363100 \text{ минг сўм}$$

Ишлаб чиқариш самарадорлиги соф даромад қийматини уни ҳосил қилиш учун сарфланган харажатларга нисбати орқали фоизларда аниқланади.

$$P = CD \times 100 / X = 363100 \times 100 / 1452400 = 25 \%$$

Капитал харажатларни қопланиш муддати келажакда лойиҳани амалга ошириш учун тадбирларга сарфланиши кўзда тутилаётган капитал харажатлар миқдорини қўшимча олинаётган соф даромад қийматига бўлиш орқали аниқланади. Қўшимча соф даромад лойиҳавий соф даромаднинг ер тузиш йилидаги соф даромадни айирмаси билан топилади.

$$\Delta CD = CD_{\text{лойиҳа}} - CD_{\text{ер тузиш}} = 363100 - 219010 = 144090 \text{ минг сум}$$

$$T = K / \Delta CD$$

Бу ерда: T- капитал харажатларнинг қопланиш муддати, йил; K-капитал харажатлар, ΔCD – соф даромаднинг ўсиши. $T = 209500 / 144090 = 2$ йил

Лойиҳа учун қилинган капитал харажатлар 2 йилда қопланади.

20-жадвал

Лойиҳанинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари

Т.р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	миқдори		Фарқи + -
			Ер тузиш йилида	Лойиҳа бўйича	
1	Умумий ер майдони	га	1421,07	1421,07	-
2	Ердан фойдаланиш коэффициенти	ЕФК	0,88	0,88	-
3	Қишлоқ хўжалик ерлари шу жумладан: боғлар Ҳайдалма ерлар	га	1253,04	1253,04	-
4	Фермер хўжаликлари сони шу жумладан:	дона	26	18	-8

	деҳқончилик йўналишида	дона	21	13	-8
	балиқчилик йўналишида	дона	3	3	-
	чорвачилик йўналишида	дона	2	2	-

20-жадвалнинг давоми

1	2	3	4	5	6
5	Фермер хўжаликларининг ўртача ер майдони	га	54,65	78,95	+24,3
	деҳқончилик йўналишида	га	57,64	93,12	+35,48
	чорвачилик йўналишида	га	70,2	70,2	-
	балиқчилик йўналишида	га	23,34	23,34	-
6	Ер турлари ва экинлар ҳосилдорлиги	ц/га			
	боғлар	ц/га	60	62	2
	пахта	ц/га	18	22	4
	буғдой	ц/га	28	30	2
7	Ялпи маҳсулот қиймати	минг сўм	1368550	1815500	+446950
	Шу жумладан:				
	деҳқончиликда	минг сўм	951800	1248600	+296800
	чорвачиликда	минг сўм	386750	566900	+180150
8	Ишлаб чиқариш харажатлари	минг сўм	1149540	1452400	+302860
9	Соф даромад	минг сўм	219010	363100	144090
10	Рентабеллик даражаси	%	19,2	25	5,8
11	Капитал харажатлар	минг сўм		209500	
12	Капитал харажатлар қопланиш муддати	йил		2	

3.4. Лойиҳавий тадбирларни экологик асослаш

Ернинг ишлаб чиқариш жараёнида сифати яхшиланиши ёки пасайиши мумкин, агар ундан нотўғри фойдаланилса, умуман фойдаланишга яроқсиз ҳолга келиши ҳам мумкин. У ҳўжасизларча тақсимланишдан ва фойдаланишдан, бузилишдан, ифлосланишдан ва бошқа унинг ва у билан боғлиқ табиий ресурсларнинг сифатини ёмонлаштирадиган салбий таъсирлардан муҳофаза қилиниши керак. Барча ер фондлари, ер эгаликлари, ердан фойдаланишлар, участкалар ҳимоя қилиниши керак. Биринчи навбатда қуйидагилар ҳимояланиши керак:

ерларнинг унумдорлиги ва қишлоқ ҳўжалигида маҳсулдорлиги;

қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ўзига хос мақсадлар учун яроқли ерлар турлари;

участкаларнинг, ер турларининг, ер эгаликлари, ердан фойдаланишларнинг кенглик хусусиятлари (майдони ва шакллари) қисқаришдан, парчаланишдан, шакли ёмонлашишидан;

экологик мувозанат (ернинг бошқа табиий омиллар билан ўзаро таъсири).

Оқибати номаълум бўлган ва илмий асосланмаган ҳаракатларга йўл қўймаслик керак, сабаби бунда зарар миқдори жуда катта бўлиши мумкин.

Ер тузишни лойиҳалаш жараёнида ерни, атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари қуйидаги сабаблар бўйича бузилиши мумкин:

лойиҳачиларнинг нотўғри ечимлари;

барча зарур тадбирлар ҳисобга олинмаганда, лойиҳа таркибидаги хатоликлар;

лойиҳалашнинг илмий асосланган услубиятига, меъёрларига ва қоидаларига риоя қилинмаганда.

Ерни муҳофаза қилиш ҳар хил йўллар билан ва ҳар хил босқичларда - лойиҳа олди, лойиҳалаш ва бевосита фойдаланиш жараёнида амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай экологик тадбирлар ердан

фойдаланишни ва уни муҳофаза қилишни оқилона, илмий асосланган ташкил этишга асосланади. Шунинг учун хўжаликлараро ер тузиш нафақат ерни, балки бутун атроф муҳитни ҳам муҳофаза қилишнинг биринчи ва асосий элементи деб ҳисобланиши мумкин.

Ерларни муҳофаза қилиш - бу ерларни сақлашга, тиклашга ва ҳолатини яхшилашга; ер ресурсларидан нооқилона, асосланмаган фойдаланиш ва сарфлашларнинг, қишлоқ хўжалик ерларининг унумдорлиги пасайишининг ва майдони камайишининг олдини олишга қаратилган ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик, ҳуқуқий, иқтисодий, техник ва бошқа тадбирлар тизимидир.

Ерни ва атроф муҳитни муҳофаза этиш ер тузиш лойиҳасининг ёки чизмасининг барча таркибий қисмларига асосий вазифалардан бири сифатида киритилиши керак.

Хўжаликлараро ер тузиш чизмаларини ва лойиҳаларини ишлашда ерларни ва атрофдаги табиий муҳитни муҳофаза қилиш бу вазифанинг мазмунига мос махсус ишлар билан амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

ердан фойдаланишларни ташкил этишда, яъни, уларни жойлаштиришда,

ўлчамларини, чегараларини, инфратизимларни ва ш.ў. ер ресурсларини ва атрофдаги табиий муҳитни ишончли муҳофаза қилишни таъминловчи белгилаш, барча талабларга ва шартларга риоя қилиш;

қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ерларни ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар (ташкилий-худудий, ташкилий-хўжалик ва бошқ.) тизимини лойиҳалаш;

ҳимояланадиган ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар участкаларини, минтақаларини, полосаларини ҳудудларини ажратиш ва улар ичида ва атрофдаги ерларда ерлардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаш. Бу ҳаракатларга мустақил характердаги ер тузиш

турларидан бири сифатида қараш мумкин.

Хўжаликлараро ер тузиш масалаларини ечишда, яъни, ер эгаликлари ва ердан фойдаланишлар ўлчамларини, уларнинг ички тузулишини, ер массивларининг жойлашишини, чегараларини, қишлоқларини белгилашда атроф муҳитга таъсир этадиган барча шароитлар ва омиллар ҳисобга олиниши керак. Лойиҳада қилинган тавсиялар қуйидагиларни таъминлаши керак:

ерларнинг маҳсулдорлигини ва сифатини сақлашни;

хар бир ердан фойдаланишни ўраб турган ҳудудда ер ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишни;

ҳудудни, атмосферани ва сув манбааларини ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар чиқиндилари билан ифлосланишдан ҳимоя қилишни;

ерларни шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялашни;

суғориладиган ва мелиорацияланган ерларни ҳимоялашни;

ерларни шўрланишдан ва ш.ў. ҳимоялашни.

Ердан фойдаланишларни, уларнинг тизимларини лойиҳалашда кейинчалик ерларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича хўжаликларда ички чегараларни лойиҳалашни таъминловчи тадбирлар белгиланиши ва шароитлар яратилиши керак, шу жумладан:

ердан тўла ва самарали фойдаланишни таъминловчи ердан фойдаланишларнинг оқилона ўлчамлари ва жойлашиши, улардаги ер турларининг нисбати;

хўжаликлар чегараларини тупроқ эрозиясига ва бошқа салбий таъсирларга қарши кураш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказиш;

суғориладиган ерларни самарали фойдаланишга имкон яратадиган, шўрланиш, эрозия ва бошқа салбий оқибатларга олиб келмайдиган қилиб жойлаштириш;

хўжалик марказлари, чорвачилик фермалари ва саноат корхоналарини сув манбаларига, ҳосилдор ерларга ва муҳофаза

килинадиган ҳудудларга нисбатан уларнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган қилиб жойлаштириш;

хўжалик ҳудудида оқова сувлар оқизилиб суғориладиган махсус далаларни қишлоқлар ва чорвачилик фермаларидан чиқадиган оқова сувларни тозалаш мақсадида тўғри жойлаштириш;

нафақат қишлоқ хўжалиги корхонаси ҳудудида, балки улар атрофидаги ерларда ҳам экологик мувозанатни сақлаш ва табиатни муҳофаза қилиш учун зарур шароитлар яратиш;

ишлаб чиқариш манфаатлари учун экологик мувозанатни бузмасдан ерларни ўзлаштириш ва трансформациялаш;

ҳудудни хўжаликлараро ташкил этишни экологик асослаш.

Хулоса

Бажарилган битирув малакавий иши Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 октябрдаги 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги ва 2006 йил 9 январдаги ПФ - 3709-фармони, 2006 йил 11 январдаги ПК-255-сонли қарорлари асосида хўжаликлар тўлиқ фермер хўжаликларига айлантирилган эди. 2008 йил 5 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Р-3077 сонли фармойишида фаолият юритаётган фермер хўжаликларини ер майдонларини инвентаризациядан аниқ ўтказиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш ва фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини танқидий таҳлил қилиш натижасида фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш вазифаси қўйилди. Бу ишларни амалга оширишда фермер хўжаликларининг иш юритишни ташкил этилганлиги, техника ва техник воситалар билан таъминланганлигига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилди. Мавзу юқоридаги фармон ва қарорлар асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

ишлаб чиқарувчи бўлиб қоладиган ер майдонлари оптималлашган фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларига бағишланади.

Битирув малакавий ишида қўйилган мақсадга эришиш учун объект сифатида қабул қилинган Бухоро вилояти Когон туманидаги ”Янги ҳаёт” массивнинг табиий, иқтисодий ва ижтимоий шароитлари ўрганиб чиқилди ва мавжуд фермер хўжаликлари таҳлил қилинди. Қилинган таҳлил асосида массив ҳудудида мақбуллаштирилган фермер хўжаликларини ташкил қилиш бўйича ҳудуднинг табиий иқлим шароитларини ва аҳоли зичлигини ҳисобга олган ҳолда 13 та фермер хўжаликлари лойиҳаланди. Бу фермер хўжаликларидан 10 таси пахта-ғаллачиликка 2таси чорвачиликка ихтисослашган, ўртача майдони 52.2 гектарни ташкил қилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” Т.: Ўзбекистон, 1992
2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, 1995
3. И.А.Каримов, “Ўзбекистон XXI бўсағасида”, Т. Ўзбекистон 1997
4. И.А.Каримов, “Ўзбекистон буюк келажак сари”, Т. Узбекистон, 1998
5. И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т. Узбекистон, 2009
6. И.А.Каримов. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2011
7. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”. Т. Ўзбекистон, 1997

8. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т.: Шарқ, 1998
9. Ўзбекистон Республикасининг қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида». Т:1998
- 10.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами (I ва II қисмлар), Т. Шарқ, 1998
- 11.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузишни лойиҳалаш» Т.: Янги аср авлоди,2004
- 12.Авезбаев С., Волков С.Н. «Ер тузиш иқтисоди». Т.: Янги аср авлоди, 2002
- 13.Бобожонов А.Р., Рахмонов Қ.Р, Гофиров А.Ж. «Ер кадастри» Т.: ТИМИ, 2008.
- 14.Авезбаев С., Волков С.Н. « Ер тузишнинг илмий асослари» Т Янги аср авлоди, 2002
- 15.Ер муносабатларини тартибга солишга доир меъёрий ҳужжатлар туплами, 1-2 том, Т.:1997
- 16.М.Рустамбоев ва бошқ. “Ер ҳуқуқи”.Дарслик. Т.: Тошкент Юридик институти, 2002
- 17.Ер тузишда иқтисодий математик моделлар ва усуллар. Шодмонова Г., Абдуллаев З. Ўқув қўлланма. Т: 2007
- 18.Қудратов О., Ганиев Т. Фавқулодда вазиятларда фуқоро муҳофазаси. Т.:Янги аср авлоди, 2005
- 19.Ғойипов Ҳ.Э. Меҳнат муҳофазаси. Т.:Меҳнат, 2000
- 20.Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқоро муҳофазаси доимий зарурият. Ўқув қўлланма. Т.: 2002
- 21.Землеустроительное проектирование – 2-е изд. (Учебник и учеб. Пособия для ВУЗов) www.ast.ru
- 22.Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ. www.prom.kz

23.Управления земельных ресурсов и землеустройства.

www.18.rosfirm.ru

24.Управление мониторинга земель, землеустройства и
территориального планирования. www.kadastr.ru